

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 5 апрель • сешанба № 13 (1009)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Сайлов ва сайловчи

Маҳалла – шарқона маданият ва қадрият белгиси!

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари

МУСТАҚИЛ
Ўзбекистон кучли демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан босқич-ма-босқич ривожланиб бормоқда. Биз қўраётган демократик жамиятда маҳалла – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели, бевосита демократия институти сифатида тан олинди. Унинг қонуний ҳуқуқи Конституциямизнинг 105-моддасида қатъиян белгилаб қўйилди.



Дарҳақиқат, маҳалла ўзбек миллий тараққиёт моделининг таркибий йўналишларидан бири сифатида ривожланиб, шарқона маданият ва қадриятлар бешиги сифатида сайқал топмоқда. Шу боисдан ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчилари зиммасида "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга татбиқ этишдек устувор вазифа юкланган. Маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига

юрт тинчлиги, оилалар хотир-жамлиги учун қайғурадиган, элда обрў-эътибор топган, халқ билан ишлашга етарли билим ва тажрибага эга бўлган, тadbирли ва ташаббускор фуқароларнинг танланиши бежиз эмас. Жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг ваколат муддатлари тугаши муносабати билан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилиши ҳам ана шу

демократик қонунчиликка асосланган.

Республикада ушбу сайловни ўтказиш учун кучли норматив-ҳуқуқий база яратилган бўлиб, хусусан, 2013 йил 22 апрелда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги янги тахрирдаги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини маҳалла оқсоқоллари қўйлаётган янгича талаблар

қайта қўриб чиқиб ишланганлиги билан муҳимдир. Бунда фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада оширишни таъминлайдиган қоидалар киритилган.

Жумладан, қонунда сайловларни ўтказишнинг асосий йўналиши сифатида муқобиллик принциплари белгиланган. Бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови раис ва унинг маслаҳатчиларига икки ва

ундан ортқ номзод кўрсатилиши сайловларнинг қонунийлигини таъминлайди.

Шунингдек, қонунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишда ҳокимиятнинг вақилик органлари роли ва масъулиятини ошириш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул органларнинг ваколатлари аниқ қилиб белгиланган.

2

Соҳибқирон Амир Тему́р таваллудига 680 йил тўлади

Буюк шахс даҳоси олдида мангу эҳтиром

АМИР ТЕМУР буюк саркарда, адолатли шоҳ, моҳир дипломат сифатида дунёда довруқ қозонган. Тартиб-интизомга асосланган салтанат барпо этган. Халқаро савдо-сотиқ, жаҳон илм-фани ривожига беназир ҳисса қўшган. Қарийб етти юз йилдан буён асл таровати ва маҳобатини йўқотмаган обидалар, бугун юртимизда барпо этилаётган замонавий иншоотларда бобокалонимизнинг "Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг", деган сўзлари ўз ифодасини топишмоқда.

Амир Тему́р давлат арбоби бўлиши билан бир вақтнинг ўзига халқпарвар, инсонпарвар ҳукмдор бўлиб тарихда ўчмас из қолдирганини кўплаб ислохотларда кўриш мумкин.

Жумладан, Амир Тему́р барча жамият аъзоларининг турмуш тарзидан хабардор бўлиш билан бирга: "улугларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўриб" муносабат қилганлиги, "адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини" ўзидан рози қилган.

Амир Тему́р ҳар бир муҳим масалани яқка ўзи ҳал этмасдан, балки ўз сийсатини донолик билан амалга оши-

риш мақсадида асл зотли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр-ийгитларни атрофига бирлаштирган. Унинг "Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тadbир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилур", деган таъкиди замирида улар билан маслаҳатлашиб, барчаларининг мақсадлари, сўзлари, тақлиф ва мулоҳазаларини инобатга олганлигини англаш мумкин.

Соҳибқирон қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлса, тўғри тadbир ва кенгаш билан хатогга йўл қўймаслик учун ҳар қадамни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан иш тутган.

2

Амир Тему́р ўғитлари

Чораси бўлмаган ишга киришма, чунки ундан кутулиб бўлмайди.

Ақлли душман жоҳилу нодон дўстандир.

...

Яхшини ёмон кўнда сина.

Чин дўст улдирик, дўстидан ҳеч қачон ранжимади, агар ранжиса ҳам узрини қабул қилади.

Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниъти тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил.

...

Ёзилган нарсга авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узокроқ яшайди.

Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон иззату эҳсон кўрсатдим.

...

Душманнинг кулгани — сирингни билгани.

...

Қўрқмасанг ёв қочар.



Маҳалла – шарқона маданият ва қадрият белгиси!

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Бундан ташқари, Қонунда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Сенат Кенгаши томонидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари қарори билан тегишли комиссиялар тузилиши белгиланди. Уларнинг ваколатлари аниқ кўрсатиб ўтилди. Ушбу янги қоидалар, шубҳасиз, сайловларни тизимли ташкил қилишга, сайловларни ўтказишда фуқаролар йиғинларига ташкилий жихатдан кўмаклашишга ёрдам беради.

Шу билан бирга, Қонунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодига қўйилмаган талаблар янада кучайтирилди. Жумладан, номзоднинг **Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камидан беш йил тегишли ҳудудда доимий яшашга бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш ва ҳаётий тажрибага ҳамда аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши** каби талаблар қўйилди.

Бундан ташқари, Қонун оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб

ташланмаган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари номзоди кўрсатилмаслиги каби талаблар билан мустаҳкамланган.

Бу эса юксак маънавиятли, бошқарувчанлик қобилиятига эга бўлган, фуқаролар йиғини ҳудудда яшаб, унинг муаммолари ва аҳолининг дардларини ҳис этадиган, ўзини одамларнинг иссиқ-совуғига дахлдор сезаётган фуқароларнинг раис этиб сайланишига имконият яратиши шубҳасиз.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатасидир.

Сайловга сифатли тайёргарлик кўриш ва уни юқори даражада ушқоқлик билан ўтказиш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг Кенгашига сайловни ўтказишнинг аниқ муддатларини ҳамда сайловга тайёргарлик тадбирларини олиб бориш тартибини белгилаш ҳуқуқи берилди.

Сайловни ўтказиш даврига Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясини тузиш ва унинг асосий вазифаларини белгилаш ҳақидаги норма ҳам Қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг ушбу ваколатлари белгилаб қўйилиши фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини мус-



таҳкамлайди ҳамда сайловни ташкил этиш ва ўтказишда жойлардаги комиссиялар ва ишчи гуруҳлар иши самарали мувофиқлаштирилиши таъминлайди.

Бундан ташқари, Қонун ишчи гуруҳ фақат фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қарори билан тузилиб, унинг таркибига тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг депутатини ҳам киритиш зарурлигини белгилайдиган норма билан тўлдирилди.

Бу чоралар ишчи гуруҳнинг мус-

тақиллиги ва объективлиги, шунингдек, ўтказиладиган сайловнинг очиклиги, шаффофлиги, холислиги ва адолатлигини таъминлашга ёрдам беради.

Ишчи гуруҳ таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг вакиллари, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари, шунингдек, тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари киритилади. **Ишчи гуруҳ таркибига фуқаролар**

йиғини раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғинининг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг яқин қариндошлари киритилиши мумкин эмас.

Қонун билан ишчи гуруҳ зиммасига қўшимча равишда ҳовилар, уй-жойлар ва кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакилларини сайлаш бўйича умумий йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда йиғилиш якунлари бўйича баённома тузиш вазифалари юклатилди.

Ушбу вазифаларнинг ишчи гуруҳ зиммасига юклатилиши ишчи гуруҳи ва тизимли ташкил этиш имконини беради ҳамда амалиётда туғиладиган муаммолар масалаларни бартараф этишга ёрдам беради.

Шунингдек, жорий этилаётган тартибга кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига келишилган номзодлар тўғрисидаги ахборот фуқаролар йиғини бинасига ва гузарларга сайлов ўтказилишидан камидан беш кун олдин олиб қўйилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар тўғрисидаги ахборотни маҳаллий аҳоли эътиборига олдиндан етказиш сайловнинг ошқоралигини ва очиклигини таъминлайди.

Бундан ташқари, Қонун билан ишчи гуруҳга аҳоли фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи берилмоқда.

Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) маслаҳатчилари лавозимига номзодларни ишчи гуруҳ

томонидан кўрсатиш тартибининг қўлланилиши сайлов тизимини янада демократлаштиришга, шунингдек, айрим салбий ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Қонунга кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар ўз чиқишларида келгусидаги фаолиятлари дастурини эълон қилишлари керак.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови асосан муқобиллик асосида ўтказилади. Номзодлар ўз ҳаракатлари дастурини эълон қилиши мажбурийлигини киритиш фуқароларга у ёки бу номзодни сайлаш масаласига оғли ёндашиш, номзоднинг келгусидаги режаларидан воқиф бўлиш имконини беради.

Қонунга мувофиқ фуқаролар йиғинига сайлов ўтказилган кундан кейин фуқаролар йиғини кенгашини, фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича комиссияларини ва тафтиш комиссиясини шакллантириш учун бир ой муҳлат берилади. Аниқ муддат белгиланиши фуқаролар йиғинининг рабар органлари ўз вақтида шакллантирилишини ҳамда у тўла куч билан иш бошлашини таъминлайди.

Маҳалла фуқароларимизнинг нафақат қувонч ташвишларида шерик бўладиган таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси, балки юртимиз раъзи сифатида ҳам юксак аҳамиятга эга. Шундай экан, бу тизимга фақат элу юрта муносиблар сайланиши лозим!

Анвар РЎЗИЕВ,
Навоий вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи

Буюк шахс даҳоси олдида мангу эҳтиром



(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Давлатни бошқарар экан адолат тарафдори ва халқпарвар соҳибқирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқу фасод бўлмаслигини таъминлашга, оқсоқолилик ва фаровон турмуш ўрнатилишга ҳаракат қилган. Барча ҳокимларга қабил хатти-ҳаракат, золимлик ва зўравонликдан, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш зарурлигини амр этган. Чунки унинг таърифича, аҳолини хонавайрон қилиш давлат хазинасининг қашшоқлигига олиб келади. Бу эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига ва салтанатнинг қулишига сабаб бўлади. Шунинг учун солиқ ишларида деҳқоннинг ҳосил ва даромадларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг розилиги билан хирож тузувиги мувофиқ одилона иш тутишини қатъиян талаб қилган. Солиқ тўловчи олиқ-солиқни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олиши, қалтак, арқон ишлатиш, ишни уриш-сўкишга олиб бормаслик, уларни банд этиб, занжир билан кишанлашмасликка амр қилган.

“Темур тузуклари”да қайд этилганидек, “Кимки бирон саҳрони обод қилса,

ёки кориз қурса ё бирон боғ қўқартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили эса олиқ-солиқ қонун қоидага мувофиқ хирож йиғилсин”, деб ҳукм чиқарган. Шуниси муҳими, унинг буйруғи билан ҳар ёр ва элнинг амалдорлари оддий фуқарога жабр-зулм қилса ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлса, бундай вазиятларда етказилган зарарни амалдордан ундириб, жабр кўрганларга бериш шарт ҳисобланган.

Амир Темур мамлакатни 12 ижтимоий табақага ажратган ҳолда мусулмон дини пешволари, уламо-лар, сўфий шайхларга ниҳоятда ҳурмат билан қараган ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган.

Соҳибқирон инсон тарбиясида адолатни севиш, ватанпарварлик ва инсонпарварликка ўргатишга алоҳида аҳамият қаратган. Шу сабабли у ёшларга билим бериш, уларнинг ақлий фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ҳар бир шаҳарда масжиду мадрасалар қуриш, уламо-ю домларини моддий рағбатлантириш сиёсатини амалга оширган.

Адолатпарвар подшоҳ доимо халқ фаровонлигини ўйлаган. “Темур тузуклари”да давлатни бошқа-

риш ва одиллик асосида ҳукм чиқаришга алоҳида эътибор берилган. Амир Темур барча ўлкаларда қонунчиликка тўла риоя қилишни қатъий талаб қилган. Унинг махсус буйруғи билан билгадида кучи бор мискилар ўз аҳоли ва қасбу қорига қараб иш тутмоғи лозимлигини, сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиш учун хазинадан етарли даражада олтин берилишини, деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилишини, фуқародан бирининг уй иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам кўрсатиш энг юксак инсонпарварликдан далолат эмасми? Мамлакат ободлиги барча тоифадаги фуқароларни иш ва маош билан таъминлаш, уларнинг социал ҳимояси ва шарт-шароити билан белгиланади. Соҳибқирон ўз даврида шундай фармон чиқарган эди: “Яна буюрдимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилган, у ерларнинг гадоларини тўплаб қундалик емиш-ичмишларини бериб, уларга бирон вазифа белгиласинлар. Ҳамда барчасини тамғоласинлар, токи бошқа гадоллик қилмасинлар. Агар тамғодан кейин ҳам гадоллик қилгудек бўлсалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсинлар ёки ҳайдасинлар. Шундагина гадо зоти мамлакатда йўқолади”.

Амир Темур буюк сиймо, йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, қонуншунос, меъмор инсон. Унинг мураккаб ҳаёти ва фаолиятини бир кичик мақолада баён қилиб бўлмайди, албатта. Зеро, Амир Темур хусусида катта-катта китоблар ёзишнинг ўзи ҳам камлик қилади.

Фирюза
МУХИТДИНОВА,
юридик фанлар
доктори

Ислохотларнинг бош мақсади

инсон манфаатларига хизмат қилиш

ИНСОН ҳаёти, қадриятлари ҳамма нарсадан устувор бўлиши эркин демократик фуқаролик жамиятининг асосий пойдевори ҳисобланади. Шу бондан ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, хизмат кўрсатиш сифати даражасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Президентимиз томонидан 2016 йилнинг **“Соғлом она ва бола йили”**, деб эълон қилиниши мамлакатимизда инсон қадри ва манфаати, соғлиги ҳамма нарсадан устувор эканлигининг яққол намунасидир. Шу муносабат билан қабул қилинган **“Соғлом она ва бола йили”** Давлат дастурида олис ва чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, айниқса, аёллар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий нуктаи назардан зарур шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар кўрсатиш ва сервис даражасини юксалтириш бора-бора ишларни изчил давом эттириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, тиббиёт масканлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш, она ва боланинг соғлигини мунтазам ҳабар олиб, уларга тегишли ёрдам кўрсатадиган патронаж ҳамширалар сонини кўпайтириш, ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, соғлом болани воёга етказишда таълим тизимининг ролини кучайтириш, касб-хунар коллежлари биттирувчиларини ишга жойлаштириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш иштиёқидаги ёшларга им-

тиёзли, хусусан, ёш оилаларга ипотека ва истеъмолад кредитлари ажратиб чора-тадбирларини таъминлаш белгиланди.

Ушбу дастур доирасида жами 7 триллион 483 миллиард 300 миллион сўм ва 194 миллион 400 минг доллар ҳажмидаги ишларни амалга ошириш белгилангани унинг миқёси ва кўлами улкан эканлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инсон манфаатларига қаратилган бундай тадбирлар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сайловолди дастури ва **“2015-2019 йилларда партия дастурий мақсадларини амалга ошириш бўйича амалий ҳаракат Дастури”**да белгиланган вазифаларга мослиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу бондан ҳам Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари томонидан белгиланган вазифаларни тизимли ва самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида муайян ишлар олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир ташаббус, илгари сурилган илғор ғоялар, амалга оширилаётган ислохотлар юртимиз тараққиёти, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг орттиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шухрат МАМАЖАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

“Ишонч телефони”

Мурожаатлар эътиборсиз қолмади

муаммолар бартараф қилинди

БУГУНГИ КУНДА Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ўтган 2015 йил мобайнида бўлимга жами 370 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 291 таси ҳал этилиб, 116 таси қаноатлантирилган.

Масалан, адлия бошқармаси ходимлари томонидан Сирғали тумани Паризод кўчасида яшовчи С.Ермухамедовнинг Сирғали ТЭТК ходимлари хатти-ҳаракатидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди. Мурожаатда ёзилишича, С.Ермухамедовга тегишли бўлган уй-жойга 2009 йилдан бошлаб электр энергияси етказиб берилмаётган экан.

Шунингдек, ушбу манзилга етказиб берилган электр энергияси учун ҳеч қандай шартнома тузилмаган ҳамда Сирғали ТЭТКдан шахсий ҳисоблагич прибори ўрнатилмаган. Шундай бўлса-да, истеъмолчининг фойдаланилган электр энергияси учун Сирғали ТЭТК ходими томонидан тўловлар олинган ва фуқаро С.Ермухамедовнинг отаси Н.Ермухамедов номига тўлов патталари ёзиб берилган.

Ушбу мурожаатда келтирилган эътирозлар асосли бўлиб, ҳақиқатан Сирғали ТЭТКнинг 2015 йил 4 июлдаги хатига асосан фуқаро Н.Ермухамедов томонидан тўланган пул маблағлари бошқа истеъмолчи, яъни Б.Абдукаримов ҳисоб рақамига 2013 йилдан 2015 йилга қадар тушганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, ўрганиш давомида аниқланган ҳолат, яъни фуқаро С.Ермухамедовнинг онаси Г.Ермухамедовнинг тушунтириш хатига Сирғали ТЭТК ходимлари томонидан 4 498 004 сўмлик дебитор қардорлиқни бартараф қилиш эвазига 2 000 000 сўм пул маблағи талаб қилганлиги юзасидан туман прокуратурасига жиноий тақлиф киритилди.

Шунингдек, Қўрай тумани Навоий кўчасида яшовчи фуқаро Х.Чуганова ва бошқалар “Тошкент трамвай” УК томонидан иш ҳақлари берилмаётганидан норози бўлиб “Ишонч телефони”га мурожаат қилган. Ушбу мурожаатни ўрганиш жараёнида “Тошкент трамвай” УКнинг тизимидagi “3-сонли трамвай троллейбус депоси” ДУК томонидан 2015 йил май-август ойларида 152 нафар ходимга ойлик иш ҳақлари берилмаганлиги аниқланди. Натияжада, бошқарма томонидан фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига иш ҳақини ундириш тўғрисида 481 миллион 998 минг сўмлик 152 та даъво аризаси киритилиб, мазкур даъволар тўлиқ қаноатлантирилди.

Миробод тумани Қўйил кўчасида истиқомат қилаётган фуқаро М.Мирзаевнинг Бюжетдан ташқари пенсия жамғармасининг Миробод тумани бўлими ходимларининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб, “Ишонч телефони”га қилган мурожаати ҳам ўрганиб чиқилди. Мурожаат асосида аниқланган қонунбузилиш ҳолати юзасидан Бюжетдан ташқари пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармасига тақдирнома киритилиб, айбдор ходимга нисбатан “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган. Шунингдек, фуқаро М.Мирзаевага боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланди.

Шерзод РАЖАБОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси
масъул ходими

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 март кунин
“Инсон ва қонун” газетасида
ёрилтилан “Бир болага етти
маҳалла ота-она” мақоласида
қўтарилган мавзу ўзининг
долзарблиги билан эътиборга
молиқдир. Шу сабабли мазкур
мақолани жамоамиз ва фуқаро-
лар ўртасида ўқиб, фарзанд
таълим-тарбиясига оид масала-
лар юзасидан суҳбат ўтказдик.

Шу ўринда ахлоқий қадриятларимиз манбаи саналган ислом таълимотида солиҳ фарзанд таълим-тарбияси борасидаги фикр-мулоҳазаларимизни билдиришни жоиз тодик.

Имом Ғаззолий р.а. шундай деган эканлар: “**Фарзанд ота-она ҳузуридаги омонатдир. Унинг покиза қалби нафис гавҳардир. Агар унга яхшилик ўргатилса, яхшилик узра вояга етади, дунё ва охиратда бахтиёр бўлади. Агар ёмонлик ўргатилса ёки бепарволик қилинса, бахтсиз бўлади ва ҳалок бўлади. Уни асраш эса, унга одоб бермоқлик, кераксиз нарсалардан сақламоқлик ва гўзал ахлоқ ила тарбия қилмоқлик билан бўлади**”.

Фарзандга тарбия беришдан мурод, келажақда унинг имонли, эътиқодли, Ватанига, динига, миллатига, қадриятларига содиқ этиб қалмоғига етказишдир. Бир нарсаси аниқ ҳақиқатки, бугун болаларимиз фарб жамиятидаги қўшқинчи, санъаткор, спортчи ёки бошқа шахсларнинг тарихини, турмуш тарзини, ҳаётини, ҳатто нимаши яхши кўриб, нимаши ёмон кўришигача билишади. Аммо ўзининг тарихидаги миллат қарамонлири, улуг аждодлари қимлигини билмаслиги кишини ташвишга солади.

Айниқса, бугунги ахборот технологиялари тараққий этган бир пайтда фарзандларга фойда-зарар, сабоб-ғуноҳ, жоиз-ножоиз ишлар ҳақида яхшилаб таълим бериш керак. Танганим киши томони бўлган

Болангизга бепарво бўлманг...



нидек, ахборот-компьютер техникаларининг илмга, тараққиётга қанчалик манфаати борлиги ҳаммага аён. Аммо болаларнинг турли хил миллий қадриятларимизга, динимизга ёт бўлган, одамда ёвузлик, ваҳшийлик сифатларини шакллантирувчи беаълоқ дастур ва беҳуда ўйинлар билан вақтларини ўтказиб, ёмонлик ачинарилади. Болалар ёшлигидан динига, миллатига хос бўлмаган ишлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида билиб ўлғайсалар мақсадга мувофиқдир. Бугун катта ёшдаги кишилар шу нарсани тасдиқлайдилар: “Бизнинг ёшлигимизда болаларга бирор ноқўя иш тушунтириладиган бўлса, “ёмон бўлади”, деган ёзилмаган бир қоида бўлар эди. Бобаларимиз

миз, момоларимиз бизга: “Сўвга туфлама, сўвга чиқинди ташлама, нонни увол қилма, кечқурун ёлғиз юрма”, деган насиҳат қилсалар, “нега?” деган саволимизга улар: “ёмон бўлади”, деб жавоб берар эдилар. Биргина ана шу сўз бизни кўпгина беаълоқлардан сақлаб, шимизга сабаб бўлар эди”. Бугун барча ота-оналар бирдай бу қоидага амал қиладими? Ёки “ёмон бўлади”, деган сўз қайси ёш болани чўчитади?

Аллоҳнинг иродаси, мустақиллик шарофати ила шундай бахтиёр кунларга эришдик. Диний ва миллий қадриятларимиздан бемалол баҳраманд бўлаямиш. Қанчадан-қанча диний манбалар, ҳадислар, азалий насиҳатлар, маънавиятимизнинг

буюк сиймоларидан қолган улкан мерослар таржима қилинмоқда. Буюк аждодларимиз машаққат билан мەҳнат қилиб, ўзларидан буюк маънавий мерос қолдирдилар. Ота-оналар ўз фарзандларига мана шундай китоблардан ўқиб бериши, кечқурун дастурхон устида ҳеч бўлмаганда битта ибратли ҳикоя ёки ривоят ёхд ҳадислардан намуна ўргатиб, иймоний тарбия бериши лозим. Тарбия ўрнига ҳар биримиз телевизордан ўзимизга кераксиз, диний ва миллий қадриятларимизга зид нарсаларни кўриб, вақтимизни бекорга ўтказасак. Кўни келиб бу лойқадлик, бепарволик учун жавоб берамиз. Ваҳоланки, пайғамбаримиз с.а.в.: “**Ҳар бирингиз қўл остингизда**

гиларга масъулсиз, ҳар бирингиз жавобгарсиз”, деган эдилар. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бир кун давомида ота-оналар фарзандига жуда кам вақт ажратаётган, 24 соатдан бор-йўи 1,5 соатини болаларига сарфлаётган экан. Қолгани турмуш ва рўзгор юмушлари. Ўша 1,5 соатни ҳам қим қандай сарфламоқда? Ҳар бир ота-она фарзанди учун елиб-югуриб ҳаракат қилади. Унинг моддий эҳтиёжларини қондиришга зўр беради. Аммо болаларнинг руҳий-маънавий тарбиясига эътибор жуда қамайиб кетди назаримизда.

Бугун жаннатмонанд юртимизда ёшларимизга илм олиш учун барча имконият эҳтиёжлари очиб бўлса, дунёнинг манаман деган давлатларида ҳам мавжуд бўлмаган эркинлик, шарт-шароит яратилса, болалар бунинг ўз вақтида англаб етмасалар, бунга ота-оналар бепарво бўлсалар, бунинг жавобини ким беради? Бунинг шукрини адо қилиш қандай бўлади? Ўз вақтида илмини, ҳунарини ўргатиш ўрнига ота-оналар мактабга, билим юртига бормасдан бекорчи юрган болаларига нисбатан бепарволик қилишади. Фарзандларни моддий хижатдан таъминлашда ёки бошқа хоҳишларини бажаришда камчиликка йўл қўйса, у кечирилмиши мумкин. Аммо таълим ва тарбия борасидаги камчиликларни, хатоларни ҳеч қим кечирмаслигини унутмаслигимиз керак.

Юртдошларимиз, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг ёт ғоялар тузоғига тушиб қолмасликлари, динидан, эътиқодидан, миллий қадриятларидан узилмасликлари учун ғояга қарши ғоя, мафкурага қарши мафкура, жаҳолатга қарши маърифат билан кураш олиб боришни тақозо этади.

Хайрулла ТУРДИМАТОВ,
Ўзбекистон мусулмонлар
идорасининг
Тошкент вилоят вакили

Фахрийлар — фахримиз

Моҳир таржимон — зийрак ва ғасоҳатли мутахассис

ИЛМ ва ижод бир-биридан фарқли икки турлича соҳадир. Илм бу — билим, фан, назария. Янада содда қилиб айтганда, “илм” тушунчаси ўқиш ва ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил этиш орқали эришилган қўнқима ва маълумотлар, деганидир. “Ижод” сўзи эса яратилиш, кашф этиш, вужудга келтириш, деган лугавий маъноларни англатади. Яъни, ижод — бадиий, илмий, санъатга оид асар ёки моддий бойлик яратиш, таъбир жоиз бўлса, яратувчанлик фаолияти, демекдир.

Ўз навбатида, ижоднинг ҳам турлари қўп. Таржима ана шу турлар орасида ўзига хослиги ҳамда долзарб ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий аҳамияти билан ажралиб туради. Ўзига хослиги шундаки, таржима бу — ҳам ижод, ҳам илм, ҳам санъатдир.

Таржимонлиқнинг долзарблиги масаласига келсак, таржимасиз бирон-бир халқ ва миллат маданияти ўз-ўзидан тараққий топпаган ва топпаслиги мукаррар. Бинобарин, таржима назарияси ва амалиёти соҳасининг йирик наомяндаларидан бири, атоқли олим Ғайбуллоҳ ас-Салом таъбири билан айтганда, “Таржима санъатисиз халқлар бир-бирлари учун соқов бўлиб қоладилар, бир-бирларини тушуна олмайдилар”.

Маълумки, истиснол йиллари мамлакатимизда Фарб ва Шарҳ тилларини ўрганиш қарийб оммавий тўс олд. Бошқача айтганда, бирон-бир чет тилини билиш эндиликда замон талабига айланб бормоқда. Айниқса, юртимизда таржимоннинг хорижий тилини пухта эгаллаган бўлиши ва муайян асарни бевосита аслидан ўзбек тилига ёхд ўзбек тилидан бошқа бир чет тилига тўғридан-тўғри таржима қилиш салоҳияти юксак қадрланади.

“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналининг инглиз тили бўйича мукҳаррири Қосим Маъмуров шу соҳада узоқ йиллардан бўён илмий-ижодий фаолият қилиб келаётган зиёлиларимиздан бири ҳисобланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Қосим ака таржимонлиқ ишининг энг ибратли фаилатларини ўзида мукжасам этган малакали мутахассис, жонқуяр устоз. У киши инглиз тили ўқитувчиси сифатида узоқ йиллар давомида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Тошкент давлат юридик университети талабаларига сабоқ берган.

Таржимонларнинг сўзма-сўз (тағлама) таржима, бадиий таржима, синхрон таржима каби турлари қўп. Шу маънода, Қосим аканинг таржимонлик фаолиятини бир неча йўналишга бўлиб тавсифлаш мумкин.

Биринчи йўналиш — бадиий таржима соҳасидаги фаолият. Бу борада, авваломбил, Қ.Маъмуров мумтоз адабиётимиз наомяндаларидан Алишер Навоий ғазаллари ва ҳикматларини, Заҳриддин Мухаммад Бобур ғазалларини инглиз тилига таржима қилганини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, захматкаш таржимон хозирги замон ўзбек шоирлари ижодидан ҳам айрим намуналарни инглиз тилига ўтирган.

Иккинчи йўналиш — ўзбек халқ ижодиёти намуналарини таржима ва тарғиб этиш соҳасидаги фаолият. Гап шундаки, “Алпомиш” достони, лапарлар сингари ўзбек халқ ижодиётига мансуб ёркин асарлар билан жаҳон жамоатчилигини таништиришда Қосим аканинг муносиб ҳиссаси бор. У киши 2009 йилда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб нашр этилган китоб-альбомнинг таржимони саналади.

Учинчи йўналиш — ҳуқуқий ҳужжатлар таржимаси билан боғлиқ фаолият. Шу ўринда Қ.Маъмуров қўпалаб қонун лойиҳалари, эксперт хулосалари ва илмий-ҳуқуқий мақолаларни таржима қилганини айтиб ўтиш даркор. У киши Олий Мақлис томонидан ўтказиладиган муким мажлис ва анжуманлар ҳамда халқаро конференцияларнинг синхрон таржимони ҳамдир.



Таржимон Қ.Маъмуров (ўртада) хорижлик меҳмон фикр-мулоҳазаларини таржима қилмоқда

Шу билан бир қаторда, Қосим ака “Қонун ижодкорлигида жамоатчилик фикридан фойдаланиш”, “Қонунлар устидан парламент назорати”, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишни тақомиллаштириш” каби ўнлаб номдаги илмий-оммабоп тўппамлар нашр этилишида таржимон ва масъул мукҳаррир сифатида иштирок этган.

Қ.Маъмуровнинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар таржимаси билан боғлиқ фаолияти ҳам эътиборга молиқдир. Хусусан, у БМТнинг инсон ҳуқуқи таълимига оид ҳужжатларини ўзбек тилига таржима қилганини алоҳида қайд этиш зарур.

Айни ўринда Қосим аканинг яна бир жиҳати, у ҳам бўлса, ўзбек тилини теран хис этишни ҳусусида тўхталиш керак бўлади. Чунки таржимачилик ишида аслият тилини пухта эгаллаш бошқа, бу жараёнда она тили имкониятларидан оқилона фойдалана билиш бошқа масаладир. Она тилининг барча фаилатларини чукр англаб етмаган одам, ҳар қанча уринмасин, яхши таржимон бўлиши мукшул.

Қолаверса, фақат хорижий тил(лар)ни билиш, афсуски, бу ҳали таржимон бўлди, дегани эмас. Таржимон — бир вақтнинг ўзида олим, адиб, жуда зийрак ва ғасоҳатли мутахассис бўлиши, айни вақтда таржима жараёнида она тилининг ранг-баранг шаклий жиолиси ҳамда маъно товланишларини юксак лаёқат билан қўллаб билиши тақозо этилади.

Қосим ака наинки таржимон, балки қўпалаб ўқишли ва таъсирчан мақолалар муаллифи экани ҳам у кишининг айни шундай ҳусусиятларга эгаллигидан далолатдир.

Муктасар айтганда, шу кунларда қутлуг 60 ёшни қарши олган Қосим ака Маъмуров юртимиз маданий ҳаёти юксалиши билан бир қаторда халқаро адабий алоқалар ва таржима соҳаси ривожига ҳам бекибс улуш қўшиб келмоқда. Бундай улушининг туб аҳамияти эса Президентимиз Ислам Қаримовнинг “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажаққа эътибор” китобида аниқ равшан баён этилган: “**Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга қимматли таржимонлиқ этишимиз мумкин — бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим**”.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Шарҳ

Ҳамкорлигимиз давом этади

БАҲОРНИНГ биринчи ойи — март билан хайрлашганимизга қўп бўлгани йўқ. Юртимизда қўпкам нафас кезиб юрибди. Баҳор, баҳорда. Кўнгилларга нафис қайфият боғишлайди. Одам қўлнга қалам олади. Ниманидир ёзғиси келади. Бунёдкорлик ишлари, ҳаёт жараёнидаги энгилликлар, ўзгаришлар ва...

Газетамиз ҳуқуқий нашр бўлгани учун ҳам муаллифларимизнинг асосий қисмини ҳуқуқшунослар ташкил қиладди. Шундан бўлса керак келаятган мақолаларнинг асосий қисми ҳуқуқий мавзуда.

Жумладан, ИИВ академияси ўқитувчиси, юридик фанлар номзои **Аслидин Нуридудлаев** ўзининг “Ижро этувчи ҳокимиятнинг янада демократлаштириш — мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишининг муким омилли” мақоласида шундай деб ёзади: — Ҳокимиятнинг уч тармоққа бўлиниши ва адолатли ваколатлар тақсимотининг юзга қилиши демократиянинг муким шартидир. Бунда ҳокимият қонунчилик, ижро, суд тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаат мувозанатининг янада самарали тизимини ишлаб чиқиш ва амалга таъдиқ этиш муким амалий аҳамият касб этади.

Фикримизни давом этказадиган бўлсак, Пахтачи туманидаги “Адолатли Нусратулла” адвокатлик бюроси раҳбари, адвокат **Насим Хидировнинг** “Йўл ҳаракати қондалари” бўйича баъзи фикрлар”, ТДЮ ҳузуридаги академик лицей ўқитувчиси **Феруза Луғфуллаеванин** “Бола ҳуқуқи”, “Адолат” нашриёти ходими **Хусан Равашовнинг** “Божхона тизими янада тақомиллашмоқда”, ТДЮнинг катта ўқитувчиси **Махмуд Маҳаматовнинг** “Имконият, масъулият ва бурн”, фуқаролик ишлари бўйича Қармана туманлараро судининг судьяси **Баҳодир Бобоқуловнинг** “Фуқаролик судлари”, С.Сулaimонова номдаги Республика суди экспертизаси маркази эксперти **Лола Валиеванин** “Давлат мулкнинг талон-торож қилишининг сабаблари”, Тошкент шаҳар ҳўқуқлик судининг судьяси **Улғабек Суноновнинг** “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари” мақолалари юқорида келтирилган миздек ҳуқуқий мавзуларга бағишланган.

Газетамизда Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимлари, шу жумладан, худудларда фаолият қўрсатаётган нотариат, ФХДЕ ходимлари ва жойлардаги адвокатларнинг мақолалари мунтазам бериб боришмоқда. Уларнинг ҳусусий мулк, оила, никоҳ ва бошқа долзарб мавзулардаги мақолалари, фуқароларнинг саволларига берган жавоблари газеталарда катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими **Аббасшид Кўчаровнинг** “Қонун ижодкорлиги соҳасида ҳуқуқий янгиликлар”, Зангиота туман ФХДЕ инспектори **Зўра Салимованин** “Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олиш тартиби”, шунингдек, Зангиота туман 7-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Дилфуза Носирова** ҳамда Чирчиқ шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси **Замзагул Дўйсенованин** “Васиятнома қандай расмийлаштирилади”, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими **Бердас Жақимовнинг** “Мурожатни бепарво қолдириш...”, Ўртачирчиқ туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Махшўра Хошимованин** “Хориждан савол”, С.Сулaimонова номдаги Республика суди экспертизаси марказининг иш ўрганувчи-эксперти **Рустам Қараевнинг** “Ҳужжатларнинг техникавий-криминалистик экспертизаси”, Нукус шаҳар ФХДЕ бўлими мудираси **Салтанат Пирназарованин** “Фарзанд оила қувончи”, Ангор туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Алишер Усмонованин** “Маърузадан кейинги ўйлар”, Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими **Қамол Норматованин** “Имконият ва имтиёз”, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази масъул ходими **Мурод Исмаиловнинг** “Очиқлик ва ахборот хавфсизлиги масалалари”, Қўмқўрган туман ФХДЕ бўлими ходими **Сулaimон Алиқуловнинг** “Ободлик қўнғилдан бошланади”, Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими **Гулноҳ Умарованин** “Фарзанд тарбияси”, Сариосиё туман 1-сон ФХДЕ бўлими мудираси вазиасини бажарувчи **Зулфия Мирзоеванин** “Оилани тиклашда маҳаллаларнинг ўрни”, Музаббот туман давлат нотариал идораси нотариуси **Қарим Қодированин** “Миллий давлатнинг пайдо бўлиши”, Янгиқўрган туман ФХДЕ бўлими мудираси **Феруза Ҳакимованин** “Тараққиётимиз омилли”, Нукус шаҳар 7-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Мийрам Сулаймонованин** “Одам савдоси”, Зомин туман ФХДЕ бўлими мудираси вазиасини бажарувчи **Сайёра Хоринованин** “Фарзанд қамолли” каби мақолаларида тизимда амалга оширилётган ишлар ҳақида фикр билдирилган.

Тахририятимизга миллий қадриятларимиз, иқтисодий ва ижтимоий мавзуларда ҳам қўпалаб мақолалар келмоқда. Жумладан, Термиз давлат университети доценти **Рамазон Абдуллаевнинг** “Наврўз шукруи”, Марказий банкнинг Тошкент вилоят Бош бошқармаси масъул ходими **Дилшод Савдуллаевнинг** “Ислохотлар — дунё наздида эътироф этилмоқда”, **Гулноза Ислам қизининг** “Тўхтамасин, қабултарлар парвози” мақолалари сўзимиз исботи бўлади, деб ўйлаймиз.

Тахририятимизга мақола жўнатиб, биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган барча муаллифларга миннатдорчилик билдирамиз. Ўйлаймизки, сизлар билан ҳамкорлигимиз давом этади.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент вилояти

Чирчиқ шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси

Тўртқўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Элликқалъа туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бухоро вилояти

Жондор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ғиждўвон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Вобкент туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Жиззах вилояти

Жиззах шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Жиззах туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фориш туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Пахтакор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қамаш туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қарши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилояти

Термиз шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Термиз шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Термиз шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Термиз шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Денов туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Узун туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилояти

Тўрақўрган туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Уйчи туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона вилояти

Сўх туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент вилояти

Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Тасвирот нусхаси;
3. Белгиланган шартда тўлдирилган шахсий варақча;
4. Меънат дафтарасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Талабдорнинг малака имтиҳонини тошларганилиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан қўйиладиган нусхаси;
7. Оқирғи иш жойидан берилган меънат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йиғилма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича қандайдир иш мuddатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини тошларган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Хужжатларни тақдим этишининг охириги санаси

2016 йил 4 май) Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси

Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия

бошқармалари орқали тақдим этилади.

Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 28 мартдаги 9-А-сонли буйруғига асосан Ғайбуллоҳ тўмонидан “BAUT ADOLAT” адвокатлик бюросига адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 28 мартда берилган адвокатлик тўғрисидаги давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги GZ 00031 рақамли гувоҳнома билан қилиниш тўғрисида.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 28 мартдаги 8-А-сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳридаги “JASUR XACIQAT” адвокатлик бюросига адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 28 мартда берилган адвокатлик тўғрисидаги давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги GZ 00039 рақамли гувоҳнома билан қилиниш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Андижон вилоят худудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2016 йил 28 февралдаги №2-сонли мажлис баъномаси ва Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 15 мартдаги 99-ум-сонли буйруғига асосан Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 1 июнда берилган Андижон шаҳар “DONO ADVOKAT” адвокатлик бюроси адвокати Шокирова Феруза Урунбаеванин адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши учун АН №000136-сонли лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик макъоми тикланиди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Андижон вилоят худудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 20

